

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

507 Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2013 йил 7 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2013 йил 22 августда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) — одамнинг сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллигини кўзгатувчи;

ОИВ инфекцияси — одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган сурункали юқумли иммунитет танқислиги касаллиги;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2013 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

ОИВни юктириб олганлар — одамнинг иммунитет танқислиги вирусини юктириб олган шахслар;

орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) — одамнинг иммунитет танқислиги вируси одамнинг иммун тизимини шикастлаши натижасида касаллик белгилари келиб чиқадиغان ОИВ инфекциясининг сўнгги босқичи.

2-боб. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасининг давлат томонидан тартибга солиниши

4-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ягона тизимнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш, ОИВни юктириб олганларни бепул махсус даволаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш;

ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш воситалари билан таъминлаш, шунингдек ташхис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган тиббий препаратларнинг, биологик суюқликларнинг хавфсиз бўлиши устидан назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб бориш;

ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида аҳолини бепул, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтказиш учун шароитлар яратиш;

ОИВни юктириб олганларнинг умрини узайтириш ва турмуши сифатини оширишга, уларнинг ўлимини камайтиришга доир тадбирларни амалга ошириш;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

5-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқаруви

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасида давлат бошқарувини қуйидагилар амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди; одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг фаолиятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларнинг ўзаро алоқаларини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга оширади;

ОИВни юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди;

даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикасига доир замонавий чора-тадбирлар, ОИВни юқтириб олганларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда парваришлаш усуллари жорий этилишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни ҳамда ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш борасида қўлланилаётган усуллар самарадорлигини баҳолашга доир тадқиқотларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари за-

монавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

жазони ижро этиш муассасаларидаги ОИВ инфекциясини юқтириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шароитларни таъминлайди;

ички ишлар органлари ва муассасалари ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар билан тўлдирилишини, шунингдек уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш марказини, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказларини, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораторияларини замонавий даволаш-ташхис қўйиш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда уларни таъмирлаш-реконструкция қилиш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён матнда

Республика комиссияси деб юритилади) давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан ўтказиладиган ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни мувофиқлаштиришни амалга оширади.

Республика комиссияси:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига сабаб бўладиган ғайриижтимоий ҳолатларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, шу мақсадда аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тунтириш ишларини ўтказиши;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторингини ҳамда уларни доимий равишда ҳар томонлама баҳолашни амалга оширади, зарур бўлган ҳолларда ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазият мураккаблашувининг олдини олиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек туманлараро ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лабораториялари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни кўради, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашади;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган усулларини амалиётга жорий этиш бўйича тавсияларни ўрганади ва ишлаб чиқади;

ҳалқаро ва чет эл ташкилотлари билан ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича ўзаро алоқани, Ўзбекистон манфаатларига мос келадиган ҳамкорлик ўрнатилишини таъминлайди.

Республика комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқ-

ни сақлаш вазирлигининг ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасининг ОИТСга қарши курашиш марказлари (бундан буён матнда ОИТСга қарши курашиш марказлари деб юритилади) ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш бўйича аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек тиббиёт муассасаларини услубий жиҳатдан таъминлаш ҳамда улар фаолиятига ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг замонавий усулларини жорий этишни амалга оширади.

ОИТСга қарши курашиш марказлари:

ОИВ инфекцияси ва у билан боғлиқ касалликлар тарқалишига қарши курашиш бўйича профилактика, эпидемияга қарши, ташхис қўйиш, даволаш тадбирларини амалга оширади;

ОИВ юқишининг жадаллигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг фаоллигини баҳолаш бўйича махсус эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилади;

ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволашнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз бўлган усулларини ўрганади ҳамда амалиётга жорий этади;

ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ОИВни юктириб олганлар ўз соғлиғи ва меҳнат қобилиятини сақлаб қолиши учун зарур бўлган ташхис қўйишни амалга оширади ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатади;

ОИВ инфекциясига ва у билан боғлиқ касалликларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашни амалга оширувчи муассасаларга услубий ёрдам кўрсатади; профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш тадбирлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилишини таъминлайди;

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси профилактикаси, ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш ва уни даволаш учун қўлланиладиган усулларни таҳлил қилишни амалга оширади, шунингдек уларнинг самарадорлигини баҳолайди;

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ходимларини ва бошқа ходимларни тайёрлашда, қайта тайёрлашда ҳамда уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.

ОИТСга қарши курашиш марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

12-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат ноижорат ташкилотларнинг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар:

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир тадбирларни

ўтказишда, ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда;

ОИВни юктириб олганларга ёки уларнинг қонуний вакилларига ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий, услубий ёрдам, ахборот ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатишда;

аҳоли ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ҳамда ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашишга доир чора-тадбирлар. ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш

13-модда. ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш текширувдан ўтаётган шахснинг соғлиғи ҳолатини ўрганиш ва баҳолашдир, бунда ОИВ мавжудлиги ёхуд мавжуд эмаслиги аниқланади.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ барча даволаш-профилактика муассасаларида ихтиёрий, мажбурий ёки ғайриихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин.

ОИВга тиббий текширувдан ўтказишда текширувдан ўтаётган шахс билан дастлабки ва кейинги маслаҳатлашув амалга оширилади.

Вояга етмаганларни ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларни ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш уларнинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг лабораториялари томонидан ўтказиладиган текширувларнинг ОИВ мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги натижаси текширувдан ўтаётган шахсга унинг илтимосига кўра, вояга етмаганларга ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга эса, уларнинг қонуний вакилларига дастлабки маслаҳатлашувни амалга оширган даволаш-профилактика муассасасида берилади.

Текширувдан ўтаётган шахсда ОИВ аниқланган тақдирда, у билан кейинги маслаҳатлашув ўтказилади ҳамда у диспансер ҳисобига қўйилади, мазкур шахс ўзга шахсларга ОИВ инфекциясини юктирганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилади.

Вояга етмаганларда ва муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларда ОИВ аниқланган тақдирда, тиббий муассасалар ходимлари бу ҳақда уларнинг қонуний вакилларини ҳамда вояга етмаганлар ёхуд муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар турган муассаса раҳбарини хабардор қилади.

Тиббий текширувдан ўтказиш натижаларига кўра ўзида ОИВ аниқланган шахслар қон, биологик суюқликлар донори бўлиши мумкин эмас.

Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат берилиши мумкин. ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, фақат ОИТСга қарши курашиш марказларида ҳақ эвазига амалга оширилади.

14-модда. Ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш

Ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш текширувдан ўтаётган шахснинг хоҳишига кўра, махфийликка риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Текширувдан ўтаётган шахснинг илтимосига кўра ихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш аноним бўлиши мумкин.

15-модда. Мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш

Қуйидагилар мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказилиши керак:

қон, биологик суюқликлар донорлари;

эллик ёшгача бўлган никоҳланувчи шахслар;

хомиладор аёллар;

инъекция орқали гиёҳвандлик воситаларини истеъмол этишда гумон қилинаётган шахслар;

ОИВни юктириб олган оналардан туғилган болалар;

ўз фаолиятида қон, биологик суюқликлар, одам органлари ва тўқималари билан ишловчи тиббиёт ходимлари;

жинсий шеригида ОИВ аниқланган шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишувга кўра рўйхати белгиланадиган айрим касбларда ишловчи ходимлар ишга кираётганда, дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтаётганда мажбурий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтади.

16-модда. Ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш

Текширувдан ўтаётган шахсни ғайриихтиёрий равишда ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарорига ёки суд ажримига кўра амалга оширилади.

17-модда. ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш

ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш улар ОИТСга қарши курашиш марказларида ва даволаш-профилактика муассасаларида яшаш жойи бўйича диспансер ҳисобига қўйилганидан кейин амалга оширилади.

ОИВни юктириб олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ОИВ инфекцияси-

ни махсус даволашни, шунингдек ОИВ инфекцияси билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг олдини олишни, уларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашни ўз ичига олади.

ОИВни юктириб олганларни бепул махсус даволаш касаллик босқичига қараб, даволаш комиссиясининг хулосасига кўра ОИТСга қарши курашиш марказларида, даволаш-профилактика муассасаларининг ОИВни юктириб олганларга мўлжалланган бўлинмаларида тайинланади.

ОИВни юктириб олганларга ОИВ инфекцияси билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун тиббий ёрдам кўрсатиш ОИТСга қарши курашиш марказлари томонидан бошқа даволаш-профилактика муассасалари билан биргаликда амалга оширилади.

ОИВни юктириб олган шахсда ОИВ инфекцияси билан боғлиқ бўлмаган касалликлар аниқланган тақдирда, тегишли ихтисослашган даволаш-профилактика муассасасида амбулатория ёки стационар шароитларда тиббий ёрдам кўрсатилади.

18-модда. Ўз хизмат вазифаларини бажараётганда ОИВ инфекцияси юқиши хавфи остида бўлган тиббиёт ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш

Тиббиёт ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажараётганда уларга ОИВ инфекцияси юқиши касб касалликлари тоифасига киради.

ОИВни юктириб олганларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи, шунингдек профилактика тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишни таъминловчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар берилади.

4-боб. ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш

19-модда. ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

ОИВни юктириб олганлар:

ОИВга тиббий текширувдан ўтказиш натижаларини ва ОИВ тарқалишининг олдини олишга доир тавсиялар олиш;

ўз ҳуқуқлари тўғрисида, ўзидаги мавжуд касалликларнинг хусусияти ва тиббий ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган усуллар ҳақида ахборот олиш;

ўзига нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлиниши;

психологик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

ОИВни юктириб олганлар:

тиббиёт ходимлари томонидан тавсия этилган ОИВ инфекциясини тарқатмасликка доир чора-тадбирларни бажариши;

соғлом одамлар билан мулоқотда эҳтиёт чораларига риоя этиши;

жинсий шеригини, шунингдек тери ва шиллиқ қатламларнинг яхлитлигини бузувчи муолажаларда санчиладиган ва кесадиган асбоблардан фойдаланадиган тиббиёт ходимларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларини ўз касаллиги тўғрисида хабардор этиши шарт.

ОИВни юктириб олганлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

20-модда. ОИВни юктириб олганларни ижтимоий муҳофаза қилиш

ОИВни юктириб олганлар бепул махсус даволанади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юктириб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга.

ОИВни юктириб олган болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ишдан вақтинча озод қилинган ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда болалар билан бирга даволаш-профилактика муассасасида стационар шароитларда бўлиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида ОИВни юктириб олганларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам белгиланиши мумкин.

21-модда. ОИВни юктириб олганларнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўймаслик

ОИВни юктириб олганларда ОИВ инфекцияси мавжудлигини асос қилиб, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, уларни ишга қабул қилишни рад этишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхатда назарда тутилган айрим касбий фаолият турлари мустасно, таълим муассасаларига, бундан таълим муассасаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган айрим турлари мустасно, ва тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларга қабул қилишни рад этишга, шунингдек уларнинг бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга, худди шунингдек улар оила аъзоларининг турар жой ҳуқуқларини, бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўл қўйилмайди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

22-модда. ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни молиялаштириш

ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича фаолиятни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

23-модда. ОИВ инфекцияси юққан шахснинг соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

ОИВ инфекцияси юққан шахснинг соғлиғига тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ўз касбий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Зарарнинг ўрнини қоплаш айбдор шахсларни қонунга мувофиқ жавобгарликдан озод қилмайди.

24-модда. Низоларни ҳал этиш

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

25-модда. Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

26-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида**»ги 816–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 213-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 817–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 214-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 24 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–248-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 5, 179-модда) **3-моддаси**.

27-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъ-
минласин.

28-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 23 сентябрь,
ЎРҚ-353-сон